

---

## **Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат таянчи, халқимиз фахри**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни Учкўприк туманида ҳам кенг нишонланмоқда. Байрам муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

“Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат таянчи, халқимиз фахри” шиори остида болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган бугунги байрам тадбирида мудофаа, миллий гвардия ҳамда ички ишлар бўлимлари ходимлари, ҳарбийлар, ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида Учкўприк тумани ҳокимининг байрам табриги ўқиб эшилтирилди.

Ташкилотчилар Ватан тинчлиги йўлида фидойилик кўрсатган фахрийларни, мудофаа бўлими ходимлари ва ҳарбий таълим устозларини байрам билан қутлашди. Тадбир иштирокчиларининг бир гурухига туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бўлинмасининг ташаккурномалари ва эсадалик совағалари топширилди.

Маданият бўлими санъаткорларининг жасорат, Ватанга садоқат тараннум этилган концерт дастури ҳамда 1-давлат мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг бадиий чиқишлари тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият бағишилади.

2025-01-14 14:28:14